



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 28 июль, № 147 (5062)

Чоршанба

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINI 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастури ва комплекс дастурларни амалга ошириш жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатларини таъминлаш имконини берди.

I. Асосий макроекономик кўрсаткичлар

2010 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетини мувозанатлаштириш, банк тизимини барқарорлаштиришга қаратилган пухта ўйланган макроекономик сиёсат, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси, ҳўжалик субъектлари ва аҳолининг ички эҳтиёжларини фаол рағбатлантириш, иқтисодий ва унинг стратегик муҳим тармоқларини техник ҳамда технологик янгиллаш дастурларининг амалга оширилиши иқтисодий ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсиш 8,0 фоизи ташкил қилди. Бунда иқтисодийнинг барча асосий тармоқлари юқори суръатда мувозанатли ривожланди: саноат маҳсулотлари ҳажми 8,0 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 6,9 фоиз, қурилиш ишлари 11,5 фоиз, чакана савдо 10,3 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,0 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди, инфляция даражаси 4,0 фоиз ёки прогноз параметрлар доирасида ушлаб турилди.

2010 йилнинг биринчи ярмида товарлар ва хизматлар экспорт ҳажми 14,3 фоиз ошди ва бунинг натижасида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 2,5 миллиард доллардан ортди.

2010 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2009 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|------------------------------------|-----------------|
| Ялли ички маҳсулот | 108,0 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 108,0 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 111,8 |
| Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари | 106,9 |
| Қурилиш ишлари | 111,5 |
| Чакана савдо айланмиси | 110,3 |
| Пуллик хизматлар | 112,0 |

II. Молия-банк барқарорлигини таъминлаш

Банк тизимининг жами капиталлари жорий йилнинг биринчи ярмида 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 44,5 фоиз, миջозларнинг банкдаги депозитлари қолдиғи 67,2 фоиз, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари 78,1 фоиз кўпайди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдориди мўддатли ва жамғарма омонатларининг улуғи 86,2 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 триллион сўм ёки 34,3 фоиз ошди.

Банклар ресурсларини янада кўпайтириш иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кредит ажратиш ҳажмини сезиларли даражада оширишни таъминлади. Банкларнинг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,5 фоиз ўсди.

Бунда мўддатли 3 йилдан ортиқ бўлган узоқ мўддатли кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар ўсди, уларнинг умумий кредит қўйилмаларидаги улуғи 65 фоиздан 74 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг қўймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари ёки 2009 йилнинг шу даврига қараганда 2,3 баравар кўп маблағ йўналтирилди. Натижада умумий капитал қўйилмалари ҳажмида тижорат банклари томонидан ўзлаштирилган кредит ресурслари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 2 баравардан ошди.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳон таърибидан маълумки, микромолиялаштириш иқтисодий тараққиётнинг энг самарали усули ҳисобланади. Негаки, микросармоалар, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, барқарор даромад манбаини шакллантиришда бўлган аҳоли қатламини йўналтирилади.

МИКРОМОЛИЯЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Шу боис микромолиялаш институтлари қисқа мўддатда тадбиркорларнинг ҳақиқий таянчи, молиявий суянчиға айлана олди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда микромолиялаш тизими ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда "Микрокредит-банк" очик акциядорлик тижорат банки ташкил этилди, шунингдек, кўплаб микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари фаолият кўрсата бошлади. Тизим фаолиятини тартибга солишчи миллий қонунчилик базаси яратилгани, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этапти.

БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлик-

Анжуман

кредит ташкилотлари тижорат банки таъсирини ва аҳоли фаровонлиғига хизмат қилди диган лойиҳалар рўйбериш қўмақлашидан иборат. Қўшма лойиҳанин 2010 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган биринчи босқич доирасида бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).



Модернизация

Жойларда ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатаётган ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ишлаб чиқарувчилар бунга яққол далилдир. Ана шундай корхоналардан бири "Альфи Текстиль" қўшма корхонасининг Янгийўл шаҳридаги филиалидир.

— Филиалимиз яримтайёр маҳсулотлардан кийим-кечак тайёрлашга ихтисослаштирилган, — дейди етакчи мутахассислардан бири Комила Абдураҳмонова. — Улар сифатлиги, бежиримлиги билан харидорларга маъқул келмоқда. Масалан, июнь ойидан буён бир юз етмиш етти минг дона трикотаж маҳсулотини бозорга чиқардик. Талабга қараб, бу кўрсаткич ошиб бораверади.

Замонавий стандартларга тўлиқ жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхонада бир юз эллик беш нафар ёш иш билан таъминланган. Уларнинг илғор технологиялар билан бемалол тиллашаётгани иш унумдорлигини оширяпти.

Умуман олганда, маҳаллий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, хориж сармоясини ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб қилиш тараққиёт марраларини бирин-кетин забт этишга замин бўлаётди.

— Эндиги мақсадимиз маҳсулотларимиз

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори иқтисодиётда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари юртимиз тараққиётини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини оширишдек энг долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди.



турини кўпайтириш, уларни экспорт қилишга қаратилган, — дейди филиал иш устаси Шаҳноза Абдураҳмонова. — Асосийси, яқин келажакда яна юз нафар кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Юртимизда тадбиркорлик билан эмин-эркин шуғулланиш учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар бошқа корхоналар қатори, биз жиҳоз қилган филиал истиқболи ҳам ёруғ эканидан далolat беради. Зеро, эътибор ке-

лажакка бўлган ишончи янада кучайтиради. СУРАТДА: иш устаси Шаҳноза Абдураҳмонова ва ишчи Гулчехра Муллабоева.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурет.

ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Қашқадарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳоҳими Н. Зайниев бошқарган анжуманда 2010 йилнинг дастлабки ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва келгусидаги энг муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов томонидан жорий йил 29 январда республика ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини бажариш юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Президенти миз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инкирозга қарши чоралар ҳамда бошқа тегишли дастурларнинг изчил рўйбериш қариллаётгани, айтиш жоизки, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омилли бўлаётди. Хусусан, олти ой давомида ялли худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизни

ташкил қилди. Ушбу даврда пудрат ишлари ҳажми 7,1, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулоти 7,5, халқ истеъмолли моллари ишлаб чиқариш 5,4, чакана товар айлиниши 12,4, хизматлар ҳажми 15,9, шу жумладан, пуллик хизматлар ҳажми 6,4 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларига жалб этилган хорижий инвестициялар 133,2 миллиард сўмни ташкил этди ва бу соҳада ўсиш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоизга ошди.

2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида иқтисодиётнинг реал секторда инвестиция фаолигини ошириш ва ҳўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўлаб-қувватлаш мақсадида барча манбалардан 269

миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилиб, уларнинг миқдори ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 21 фоизга кўпайди.

Йиғилишда маҳсулотлар экспорт қилиш прогнозининг бажарилиши ва тайёр маҳсулотлар экспорт қилишни кенгайтириш, экспортни диверсификациялаш, тижорат банкларининг инвестиция фаолигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини барқарор кредитлаш учун кредит ресурсларининг узоқ мўддатли манбаларини жалб этиш, ижтимоий ва муҳандислик, коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриш, нақд пул айланмасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ком-

плексининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳада йўл кўйилаётган хато ва камчиликлар атрофида муҳокама қилинди. Шу жумладан, айрим туманларда саноат корхоналарини модернизация қилиш талаб даражасида эмаслиги айтиб ўтилди. Кичик бизнес субъектлари, савдо шохбчалари, банк, меҳмонхона, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини янада яхшилаш масалалари таъкидланиб, ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

Ф. БОЗОРОВ.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

ИДОРЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Телерадиоэшиштириш соҳасида радиочастота спектрининг самарали фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан

тақсимлаш ва телерадиоэшиштириш соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқиға яқна тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Йиғилишда танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан битта теле ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Самарқанд шаҳри ва Са-

марқанд вилояти, Андижон вилояти, Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятларидан бешта радиочастота бўйича тушган буюртмалар кўриб чиқилди ва қолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан, шунингдек, теледастурларни тарқатиш ва худудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олишга доир мувожаатлари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАВОИЙ. Вилоят марказидаги истироҳат богда 2400 ўринга мўлжалланган амфитеатр қурилиши бошланди.

Богда амфитеатр қурилади

Қурилиш учун 2,7 миллиард сўмлик маблағ бюджет ва йирик корхоналар, хусусий фирмаларнинг ҳомийлик ёрдами билан ажратилган бўлди. Амфитеатр қурилишини тендер савдосида виллоятдаги энг йирик қурилиш фирмаларидан бири бўлган «Темур Малик» МЧЖ ютиб олди.

Исроил ХОЛБОВЕВ.

ФАРФОНА. Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Чўнғара қишлоғи гўзал, дилдорат гўша эканлиғи билан маълум ва машҳур эди. Энди бу ном олдига «Чўнғара» маъданли суви ҳам қўшилди.

«Чўнғара» маъданли суви

Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 160 миң долларлик маблағ эвазига Хитой мамлакатидан сувини қадқолайдиган замонавий технология олиб келинди. Қисқа вақт ичида технологиялар монтаж қилиниб, Чўнғаранин шифобахш, минералларга бой суви истеъмолчиларға етказиб берилга бошланди. Янги корхонанинг ишга тушиши билан қишлоқдаги 15 нафар ўғил-қиз доимий иш ўрниға эға бўлди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Мингбулоқ туманида фаолият кўрсатаётган «Асрорбек Дилмурод» хусусий корхонасининг маҳсулотлари юқори сифатлиғи билан ажралиб туради.

Ишлаб чиқариш қуввати ошмоқда

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган 12 турдаги безак плиталари хиёбон ва майдонлар, ховли сахалари ҳамда йўлақларни қоплашда қурувчиларға қўл келмоқда. Унга бўлган талаб эса торабара ортиб бораётди. Жумладан, жорий йил иккинчи чорагининг ўзида 40 миллион сўмлик яқин қурилиш ашёлари буюртмачиларға етказиб берилди.

Айни чоғда корхонада модернизация тадбирлари амалга оширилмоқда. У ниҳоясиға етгач, ишлаб чиқариш қувватлари саккиз баравар ортиб, йилгига 25 миң квадрат метр безак плиталари тайёрлаш имконияти туғилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилининг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Муомалага чиқарилган пластик карточалар сони 2009 йилнинг шу даврига қараганда 1,77 миллион донага кўпайгани нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ёрдам берди. Пластик карточаларнинг умумий сони 2010 йил 1 июль ҳолатига қўра 6,84 миллион донага етди. Урнатилган терминаллар сони эса 24,6 мингга қўра ва 61,1 мингта ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик карточалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баравар ошди.

III. Мамаказат рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш мақсада иқтисодий таркибий түб ўзгаришнинг чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида тўқимачилик (148,2 фоиз), ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати (121,7 фоиз), машинасозлик ва металлчилик қайта ишлаш саноати (111,9 фоиз) ва озиқ-овқат (110,8 фоиз) саноати корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсишнинг энг юқори кўрсаткичларига эришилди.

2010 йилга мўлжалланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 929 лойиҳа бўйича қиймати 2,64 триллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши 13,9 фоиздан 17,1 фоизга кўпайди, импорт ўринини босишини ҳисоб-китоб қилинган самараси 1,7 миллиард долларни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Хисобот даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 181 турдаги янги маҳсулот, шу жумладан, контейнер ташигичлар, авто ташигичлар, кўпе типлидаги йўловчи ташув вагонлари, колонна ва реактор ускуналари, фонтан арматуралари, бурғилар қорихмаси дегазатори, томчилатиб суғориш тизими, турли хилдаги дастоққ ускуналари, ёғни зичлаш учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дори ва косметика воситаларининг янги турлари, акрил ипи, янги турдаги майиш электр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида экспорт бо маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт ҳажми 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баравар кўпайди ва 259,1 миллион долларни ёки маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 15,2 фоизини ташкил қилди.

Хисобот даврида маҳаллийлаштирилган экспорт бо маҳсулотлари турли 104 тага етди, 40 турда янги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинган маҳсулотлар рўйхатида киритилди. Нефть-газ ва кўмир ускуналари, умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория ускуналари ва кўрғазмали қўланмалар, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, автомобильлар, двигателлар учун гильза-поршень-ҳалқалар, автомобильлар учун дисклар, култиваторлар, металлпрокат ва бошқа турдаги маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун технология ускуналари, ҳам ашё ва материаллар харид қилишга 503 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 11,8 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 9 ва ноозик-овқат маҳсулотлари 13,9 фоиз ўсди. Барча турдаги тўқимачилик маҳсулотларини (калага, матолар, трикотаж, тўқимачилик, пайпоқ буюмлари, гилам ва гилемчилик буюмлари), телевизорлар, музлаткичлар, электр дазмолар, майиш ёриткичлар, ҳўжалик ва бошқа товарларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорлар-

га олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг фаол амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт бо товарлар турлари 400 дан ошди.

Экспортнинг 14,3 фоизга ўсиши, асосан, жисмоний ҳажмларнинг (тайёр трикотаж буюмлари, ил газлама ва калава, трикотаж полотноси, енгил автомобиллар, сим ва кабеллар, қарбамид, мөва-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар) ошishi хисобидан таъминланди. Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари (165,6 фоиз), қора ва рангли металллар (172,1 фоиз), машиналар ва ускуналар (2 баравар), хизматлар (117,6 фоиз) экспортнинг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга оид қўрилган самарали чоралар натижасида жорий йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер ҳўжалиklarини ҳисобга олмаганда) 3,7 фоиз кўпайди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 1391,7 миллиард сўмни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар ошди, жумладан, 270,4 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,4 баравар ошди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоиз, саноатда 16,7 фоиз, бандликда 74 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 122,1 фоизни ташкил қилди ва бу саноат тармоги бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 5,5 фоиз, молиявий хизматлар ҳажми 18,5 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 15,3 фоиз, автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари 28,7 фоиз ўсди. Бундан ташқари, шу йилнинг биринчи ярми давомида 1,5 мингдан ортиқ майиш хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди ва бу майиш хизматлар ҳажмининг 20,5 фоиз ошishiни таъминлади.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,9 фоиз, янги ички маҳсулот таркибида хизматлар улуши 46,2 фоиздан 47,4 фоиз ўсди.

IV. Фол инвестиция сиёсатини, техник модернизация қилиш дастуралини амалга ошириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 7,1 триллион сўмни ташкил қилди ва қийсий нарҳларда 4,8 фоиз ошди. Умумий инвестициялар ҳажмининг 72 фоизи ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилган инвестициялар улуши 2009 йилнинг тегишли даврига қараганда 29 фоиздан 28 фоизга қайтди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард долларни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,57 миллиард долларни ташкил қилди ва 2009 йилнинг шу даврига қараганда 1,5 баравар ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида уй-ўй қурилишни ривожлантириш бўйича амалга оширилган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар натижасида аҳоли маблаглари хисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,8 баравар ошди.

Шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича 108 та лойиҳани амалга ошириш якунида 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 208, енгил саноатда 64, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида 138, ёғочни қайта ишлаш саноатида 30, машинасозлик саноатида 7 та ва бошқа объектлар ишга туширилди. "Кўпотас ва Доугитос" бирлашган ҳам ашё базасида кон-металлургия корхонаси қурилиши (1-навбат), "Фаргонаазот" очик акциядорлик жамиятида азот-фосфор ўғитини ишлаб чиқариш бўйича тажриба-саноат қурилиши қурилиши, "Тошкент шаҳридаги асфальт заводини модернизация қилиш ва йўллари қуриш ҳамда сақлаш учун ускуналар харид қилиш", "Гулiston, Жиззах, Қарши шаҳарларида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш", "Базальт иситкичи асосида сандвич панеллари ишлаб чиқаришни таш-

кил қилиш", "Тошбрунетекс" қўшма корхонасида йигирув ишлаб чиқаришни ташкил қилиш" ва бошқалар уларнинг энг муҳимлари ҳисобланади.

"Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг тўлақонли фаолият қўрсатишини таъминлаш мақсадида инфратузилма объектларини қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда, эркин индустриал-иқтисодий зона худудини ўраш, ажратиш ва майдон ичи дренажи, ташқи электр таъминоти ва газлаштириш, шунингдек, Е-40 (М-37) автомобиль йўлидан "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида бетондан ишланган автомобиль қуриш йўлини, темир йўл, Божхона пости биносини қуриш ишлари нийҳоясига етди. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан 18 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб амалга оширилмоқда. "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси худудида дастлабки учта лойиҳа бўйича қурилиш ишлари якунланди ҳамда монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умум-фойдаланиш автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрالي участкаларини қуриш ва йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун ўзлаштирилган капитал қўйилмалар 190,6 миллиард сўмни ташкил қилди ёки бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баравар кўп демекдир. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 59 та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда, ҳисобот даврида 13 та объект ишга туширилди.

"Тошгузар — Бойсун — Кўмўрғон" янги темир йўли линияси разъезд ва станцияларида ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда туражойлар қурилиши якунлаш бўйича ишлаб амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Навий шаҳридаги халқаро аэропорт орқали Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Бангкок, Дехли, Дакка, Мумбаи ва дунёнинг бошқа йirik шаҳарларига мунтазам рейслар амалга оширилди.

Ангрен шаҳрида янги ташкил қилинган Логистика маркази орқали транспорт-экспедиция, юк-лаш-тушириш хизматлари ва юкларни сақлаш хизматларини қўрсатиш сезиларли даражада жадалланди. Жорий йилнинг биринчи ярмида "Ангрен логистика маркази" ёкиқ акциядорлик жамияти орқали қарийб 2 миллион тонна юк ташилди.

Электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида майиш истеъмолчиларнинг электр энергиясини сарфлашини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 1570,9 мингта ва ҳўжалик субъектларида 285,9 мингта электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Фаргона ЭС Қўқон РЭСда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишга доир монтаж-созлаш ишлари нийҳоясига етказилди, Қоракалпоғистон ЭС Нукус РЭСда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида майиш секторда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимга мөв келадиган 273,8 мингта замонавий ҳисобга олиш приборлари жорий этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Суғориландиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблаглари хисобидан 91 лойиҳа бўйича коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа мелиорация объектлари қурилади ҳамда реконструкция қилинди. 236 та мелиорация объектида умумий қиймати 32,2 миллиард сўмлик таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди. Бу умумий узунлиги 8085,9 километрик ҳўжалиқларга ва ҳўжалиқлар ичидиги коллектор-дренаж тармоғини тўзаш, узунлиги 534,1 километрик ёпик гори-зонтал дренаж тармоғида, 12 мелиорация насос станцияси ҳамда бошқа мелиорация объектиларида қайта тиклаш ишларини бажариш имконини берди.

V. Қишлоқда уй-ўй ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва қуриш дастурининг амалга оширилиши тўғрисида

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича 4417,5 миң квадрат метр уй-қишлоқ жойларда 3113,7 миң квадрат метр уй-

жой фойдаланишга топширилди. 544,6 километрик газ ва 1375 километрик сув қувурлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 416,6 ва 864 километрик газ-сув тармоқлари барпо этилди. Узунлиги 170 километрдан ортиқ электр узатиш линияси, 35 ва undan юқори кВ қурилмишга эга кичик станцияларда 12,6 миң кВга трансформатор кубватлари фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 2009 йилнинг сентябрида қишлоқ жойлардаги 42 та ер массивида қурилиши бошланган 847 та уй-ўй қуриб битказилди, бу уларга газ, сув ва электр энергиясини етказиб беришни таъминлайдиган ташқи муҳандислик тармоқлари барпо этилди.

159 та қишлоқ туманларидаги 223 та массивда намунали лойиҳалар бўйича қўшимча 6800 та уй-ўй қурилиши бошланди. Утган давр мобайнида ушбу мақсадлар учун "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банкининг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Замонавий материалларга бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги корхона, жумладан, йилга жами 97 миллион донадан ортиқ гишт ишлаб чиқариш кубватига эга 25 та гишт заводи ишга туширилди.

VI. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий нелоҳталарини давом эттириш

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши самардорлигини ошириш натижасида қарийб 7 миллион тоннага яқин дон йиғиштириб олинди, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,6 фоизини ташкил қилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимосида савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида 14085 бош насдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 5592 бош қорамол бепул берилди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликча қўмақлашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 21,1 миллиард сўм ажратилди.

Қурилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8663,7 миң бошга етди ёки 2009 йилнинг шу даврига қараганда 6,7 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан паррандачилик ҳўжалиklarини ташкил қилиш учун 44,6 миллиард сўм ажратилди. 365 та паррандачилик ҳўжалиги ташкил қилинди ва паррандаларнинг умумий сони 33,6 миллионитани ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,6 фоизини ташкил қилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий минуюсқунлар билан ҳижозланган 66 та қайта ишлаш корхонаси, жумладан, 12 та мөва-сабзавотни, 21 та гўшти ва 33 та сутни қайта ишлайдиган корхона ташкил этилди.

Паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга доир қўрилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савзавотлар 14,6 фоиз, картошка 10,2 фоиз, полиз экинлари 16,3 фоиз, мөвалар 13,3 фоиз, узун 14,3 фоиз, гўшт 6,7 фоиз, сут етиштириши 6,9 фоиз ва туҳум етиштириши 15,3 фоиз ошириш имконини берди.

VII. Аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида 509,4 миңта янги иш ўрни, шундан 350,1 миңдан ортиги (68,7 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўрнларининг катта қисми — 323,7 миңтаси (63,5 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қарийб 160 миңтаси (31,4 фоиз) маҳсул кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Ҳўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларни қансанчилик, хўнармандчилик ва халқ хўнармандчилигини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оши-

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

ришга фаол жалб қилиш хисобидан 127 миңта, хусусан, корхоналар билан кооперация асосида 46,1 миңта, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 80,9 миңта иш ўрни яратилди. 2010 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, 300 миң нафардан ортиқ киши касаначилик билан қамраб олинди.

Меҳнат бозорида фаол сибсат юритиш жорий йилнинг биринчи ярмида аҳоли бандлигини 2,7 фоиз ошириш имконини берди ва бунинг натижасида иш билан банд аҳоли сони 303,5 миң нафардан кўпроқга ортиди ва 11,4 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши, асосан, қурилиш (106,4 фоиз), уй-ўй-коммунал ва майиш хизмат кўрсатиш (105,3 фоиз), транспорт ва алоқа (104,9 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (104,9 фоиз) кузатишмоқда.

Ўртача иш ҳақининг барқарор ўсиши сақлаб қолинди. Жорий йилнинг биринчи ярми йилнинг охириги ойда ушбу кўрсаткич 476,4 миң сўмни ташкил қилди ва бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 34,1 фоиз кўпдир.

Жорий йилнинг биринчи ярми йилида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун 4,2 триллион сўм ва 79 миллион доллар йўналтирилди. Бу борада қўрилган чоралар натижасида ёшлар учун 282,8 миңта янги иш ўрни яратилди, ёш оилаларга қиймати 55,5 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Утган давр мобайнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган ижобий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан тасдиқланган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инкиррозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирлар нечоғли самарали амалга оширилганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиёти Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган босқичма-босқич ривожланишнинг "Ўзбек модели" самарали амалга оширилиши тўғрисида жавоб бериш ва бундан ташқари инкиррозининг оғир синовларига бардош берди.

Шу йилнинг май ойи бошида Осиё тараққийот банкни Божқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлис давомида нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий делегациялар раҳбарлари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томонидан ҳам эришилган бу самаралар юксак баҳоланди. ХВЖ миссияси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инкиррози шароитида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани таъкидланди. Миссия кейинги тўрт йилда молия секторига сезиларли ривожланишга эришилгани, банklar капиталли ва активларининг сезиларли даражада қўйилиши банк секторини барқарорлаштиришга муҳим омили бўлганини ва саноатни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини берганини қайд этди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банк ва Осиё тараққийот банкнинг ҳулосаларига қўра, инкиррозга қарши чораларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, жорий йилда экспорт ҳажминини оширишга қўрсатаётган самарали таъсири давом этганини тўғрисида 2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтириш орқали ташқи бозорларда мамлакатимиз позициясини мустаҳкамлаш, шунингдек, қишлоқларда қиёфасини тўздан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган инкиррозга қарши чораларни амалга оширишни давом эттириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти-нини янада барқарор ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Рақамли телевидение:

ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР ВА КАФОЛАТЛАНГАН

Пойтахтимиздаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Инженер-техник марказида республика-мизда рақамли телевиденини жорий этиш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мақзур тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Радиоалоқа, радиозвонитириш ва телевидение маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларда бўлган каби рақамли телевидение тизимининг жорий этилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Мутахассисларнинг фикрича, бундай телевиденининг афзаллиги шундаки, тасвир ва овоз сифати юқори даражада бўлади, қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш имконияти ҳам ошадди. Республикаимиз аҳолисига теледустурларни сифатли етказиб бериш мақсадида рақамли телевидение тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. 2015 йилга бориб, унга барча худудлар тўлиқ қамраб олиниши режалаштирилган.

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда рақамли телевидение илк бор 2007 йилда жорий этилган. 2008 йилнинг август — сентябрь ойларида Тошкент шаҳри ва Бўхоро вилоятида, 12 та теледустур рақамли

Тадбир

иккита рақамли узаткич ишга туширилди. Келгусида ушбу каналлар сонини 42 тага етказиш мўлжалланган.

— Корхонамиз томошабинларга рақамли телевидение хизматларини қўрсатиш мақсадида ташкил этилди. — дейди "Uzdigital TV" масъулияти чекланган жамияти бош директори Улубек Тағалиев. — Бунинг учун микрозол антенна ва рақамли телевидениени қабул қилиш қурилмаси (по-нейрни харид қилишлари керак. Антенна қурилмага уланган, тармоққа боғланади ва томошабин юқори сифатли теледустурларни кузатиб боради.

Мутахассис қилиб айтганда, рақамли замонавий телемошабинлар афзалликларидан баҳраманд бўлиш имкониятини беради.

Омонулло ФАЙЗЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИДРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда фаолият юритаётган телерадио-эшиштириш субъектлари бадий кенгашларига халқимизнинг бой тарихи, маданияти ва маънавий меросини кенг тарғиб қилувчи, тарбиявий аҳамиятга эга, юқори савиядаги эшиштириш ҳамда курсатувлар салмоғини оширишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

Сармоя қўл келди

Ҳазорасп туманидаги Питнак шаҳарчасида "Khomeyn bricks" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.

Янги корхона пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг замонавий дастоҳлар, технологиялар билан таъминлаш,

ЖАҲОН

24 соат ичида

«Абадий» батареялар

Япониянинг «Brother Industries» компанияси «Techno-Frontier 2010» халқаро кўргазмасида «абадий» батареялар намунасини намойиш этди.

Бу ҳақда «membrana.ru» интернет сайти хабар тарқатди. Келтирилишича, мазкур энергия манбалари жуда паст қувватда ишлайдиган асбоб-ускуналар учун мўлжалланган.

Сув тошқини оқибатлари

Хитойнинг Хэнань музофотида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.



Бу ерда дарёга ўрнатилган кўприк қулаб тушган. Оқибатда 37 киши ҳаётдан кўз юмган, 19 киши эса бедарак йўқолган.

Хаётдан кўз юмган, 19 киши эса бедарак йўқолган. Фалокатга сув тошқини сабаб бўлган. Мамлакатнинг ушбу қисмида уч кеча-кундуз ёққан тинимсиз ёмғир катта тафотларни келтириб чиқарди.

Ноёб топилма

Гондурас мамлакатида олиб борилган археологик қазималар чоғида майя қабилалари яшаган даврга тегишли қабрга дуч келинди.

Манбага қараганда, унда бир киши нефрит ва қимматбаҳо тошлар билан безилган идиш-товуқлар ёнига дафн этилган экан.

Мутахассислар бу топилма майялар ҳаётини ўрганишида катта аҳамият касб этишига умид билдиришмоқда.

Нуксонли автомобиллар қайтарилади

«Nissan» (Япония) автомобилсозлик компанияси АҚШ бозорига сотилган «Cube» русумли 46 минг дона машинасини қайтариб олишни маълум қилди.

Бунга уларнинг ёқилги тизимида нуксон аниқлангани сабаб бўлган. Яъни автоуловлар орқага ҳаракатланаётганда, ёқилги сизиб чиқаркан.

Хавф туғдиради. Ҳозир компаниянинг АҚШдаги дилерлари машиналарни қайтариб олишни бошлаб юборган. Бу йили 30 август кунигача ниҳоясига етказиш режалаштирилган.

Кетма-кет хунрезликлар

Ироқнинг Карбало шаҳрида иккита кўпурвучлик ҳаракати содир этилди.

Хунрезликлар оқибатида 21 киши ҳаётдан кўз юмган. Эллик нафарга яқин одам эса турли даражада тан жароҳати олган.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, мазкур воқеадан бир кун муқаддам Бағдод шаҳридаги «Al-Arabiya» телеканали офиси олдига террорчи ўзини ўзи портлатиб юбориши оқибатида тўрт киши қурбон бўлганди.

Ҳориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИСПАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан «Тошкент – Мадрид» доимий авиақатновининг йўлга қўйилиши муносабати билан Мадридда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.



БТТнинг ижрочи директори З. Самогий ташкилот томонидан тўла қўллаб-қувватланган Испания ва Ўзбекистонни боғловчи янги ҳаво қатновини очиб ташаббуси ўта муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

лик салоҳияти, унинг бой тарихий ва маданий мероси ҳамда ихтисослаштирилган туризм (экологик, спорт ва шу каби) йўналишларини ташкил этиш борасидаги кенг имкониятлар ҳақида ба- тафсил маълумот берди.

Биз ва жаҳон

Ийғилганлар Ўзбекистон авиакомпанияси томонидан тақдим этилаётган барча халқаро талабларга жавоб берувчи хизматлар ва унинг техник имкониятлари, шунингдек, 2010 йил охирига келиб, компаниянинг «SkyTeam» иттифоқига

қўшилиши ҳақида хабардор этилди. Тақдирот чоғида иштирокчи сайёҳлик агентликларига авиакомпания томонидан жорий йил 1 сентябргача бўлган давр мобайнида 10 кишидан ортиқ саёҳатчилар гуруҳига Ўзбекистонга саёҳат қилиш учун авиабилетларни махсус тариф нархларида олиш имконияти берувчи махсус ваучерлар топширилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти вакиллари ўртасида Ўзбекистон авиакомпаниясига БТТнинг Буюк Ипак йўли бўйича махсус авиақатновини амалга оширувчи расмий мақоми бериш масаласи муҳокама қилинди.

Муваффақиятли тарзда ўтган, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот Испаниянинг электрон оммавий ахборот воситаларида, хусусан, «elEconomista.es» ва «EuropaPress.es» ахборот порталларида ҳамда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг сайтыда кенг ёритилди.

«Жаҳон» АА. Мадрид

Маълумки, бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган ахборот технологиялари жамият тараққиётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилмоқда.

ЭЛЕКТРОН ИМЗО – ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Бугунги кунда солиқ идоралари фаолиятига ҳам қўллаб янгиликлар жорий этилаётгани, улар пировардида солиқ тўловчилар билан тезкор ҳамкорликни таъминлашда, шунингдек, бу борадаги сарф-харажатларни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

зодан фойдаланилаётгани ҳам ана шундай қулай усуллардан бири ҳисобланади. Чунки ҳисоботлар электрон кўринишда топширилганда, аввало, арифметик хатоликларнинг олди олинди. Қолаверса, ҳисоботнинг махкамлиги таъминланиб, вақт ҳам тежалди.

Айтиш жоизки, бундай ўзгаришлар замирида мамлакатимиз солиқ тизимида амалга оширилаётган исчиликлар самараси муҳасам. Зотан, тизим хизматларининг тобора такомиллашиб, солиқ идораларининг зарур технологиялар билан таъминланаётгани тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун қўлайликлар яратмоқда.

Мазкур усул бугунги кунда Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг беш ойи мобайнида вилоят бўйича 1585 нафар солиқ тўловчига электрон рақамли имзо берилди. 1234 та корхонада ҳисоботлари электрон тарзда жўнатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш сингари ишлар амалга оширилди. Бундай тарзда тақдим этилган ҳисоботларнинг умумий сони эса 2621 тани ташкил этди.

Энг муҳими, ушбу усулдан фойдаланиш ташкилот ва идораларнинг солиқ органлари ўртасидаги муносабатларини мустаҳкамлаш баробарида, ҳисоботни юритишда катта имконият яратиб, солиқ тўловчиларнинг соҳадаги ўзгаришлар ёки янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишларига ҳам хизмат қилади.

Фазлиддин МУЗАФФАРОВ, Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси мутахассиси.

Advertisement for Hyundai Motor Company featuring the Hyundai logo and text: «HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори «DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD» мамлакат минтақаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида барча қизиқиб билдирган шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Advertisement for Hyundai Sonata featuring a car image and text: «SONATA» Ўз йўлингни танла! Drive your way. Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. Кафолат – 2 йил ёки 50 000 км.

Advertisement for Rosagropromsnab MCH featuring images of gas equipment and text: «Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. • УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ • 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР • ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ • ПЭК ФИЛЬТРЛАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Соврин плюс капитал» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 25 июлда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида ўтказилган II ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/р, Ютуқ миқдори, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варақ рақами. It lists lottery results for various branches across the region.

Изоҳ: шунингдек, «Соврин плюс капитал» омонати бўйича 1304 та 5000 ва 1000 сўмлик ютуқлар ўйналди. Омонатчилар ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.

Ҳайъат раиси – Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг икътисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Масъул котиб – Халқ банки бошқаруви Жамгарма ишларини ривожлантириш бўлими бошлиғи К. Қ. ЗОХИДОВ, Д. Х. ЁРМАТОВ

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Фарзандларимизнинг бахту иқболини кўриш, маънан етуқ, жисмонан соғлом авлодни камол топтириш асосий мақсад-муддаоларимиздан биридир. Бу борда эса жамият ҳаётидаги осойишталик ва фарвонлигининг асоси бўлмиш оиладек муқаддас даргоҳнинг тинч-тотувлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кувонарлиси, бугун юртимизда муштақам оила қуришга, соғлом турмуш кечиришга интилаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг келгусидаги фарвон ҳаётини таъминлаш, энг аввало, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар соҳиби этиб камолга етказишни тақозо этади. Зеро, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асариди таъкидланганидек, биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келадиган соф қалби ва онига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Шуни таъкидлаш ўринлики, ёш оилалар аъзоларининг муштақил халқ кечирishi, фарзанд тарбиялаши, жамиятга муносиб ўринга эга бўлиши учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ёшларнинг замонавий қўлайликларга эга бўлган уй-жойларда аҳил оила бўлиб яшашлари учун Президентимиз раҳнамолигида беқиёс имконият ва имтиёзлар яратилди. Энг чека қишлоқлар ва туман марказларида ҳавас қилгулик тураржойлар бунёд этилди ва жорий йилда ушбу хайрли тадбирлар янада кенг кўлам касб этаётди. Бундан ташқари, жойларда ташкил этилиб, самарали фаолият юритаётган "Ёшлар марказлари", "Ёш оила марказлари" ҳам оилаларнинг турли ижтимоий масалаларини жамоатчилик кўмаги билан ҳал қилишга хизмат қилмоқда. Республика хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари ва Республика "Оила" маркази ҳам қорликда ташкил этган ушбу ташкилотлар ёш оила қурувчиларга малакали кўмак берапти, десак адашмаймиз. Бугунга қадар, бундай марказлар нафақат вилоятлар,

балки туман ва шаҳар марказларида ҳам ишчил фаолият юритмоқда. Уларни ташкил этишдан мақсад, ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, рўзгор муаммоларидан тортиб, фарзанд тарбияси, ўзаро муроаса масалаларида мутахассислар маслаҳатларидан баҳраманд бўлишларини таъминлашдир. Чунки бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этган барча оимилларни она ва ота билиши шарт.

Айни пайтда вилоятимизда 18 та болалар мушиқа ва санъат мактаблари фаолият юритаётган бўлса, уларда икки минг нафардан зиёд ўқувчи тўқзи йўналиш бўйича таълим олмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти рининг юқори синф ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида ижтимоий сўров ўтказдик. Унда биз ота-оналардан фарзандларда мактабни тамомлағач, ўқини давом эттиришга қай даражада истак ва имконият борлигини аниқладик. Бизни мамнун қилган жиҳат шундаки, сўровда иштирок этган 1536 нафар ота-онанинг 96,1 фоизи келгусида қизлари касб-хунарли, ҳаттоки, олий маълумот эгаси бўлишни истаётганликларини баён этишди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ўтказилган тадқиқот натижасида ота-оналарнинг 97,4 фоизи шундай фикр билдирди. Бу илгариги сўров ва ўрашувлардаги мулоқотларга нисбатан анчагина ижобий ўзгариш, ўсиш демакдир. Шундан келиб чиқиб айтмоқчимизки, бу йилги олий ўқув юртига кириш учун бўладиган тест синовлариди иштирок этиш учун даъвогарлар сони илгариги йилларга нисбатан сезиларли даражада кўп бўлади.

Зотан, Президентимизнинг ёшлар камоли йўлидаги юксак гамхўрлиги ҳар бир ота-она ва улар тарбиялаётган фарзандлар қалбиди эртанги кунга ишонч ҳиссини янада юксалтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, оила қўроғини муштақам, унинг бағрида камол топаётган фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб етгаи этишларига муҳим асосдир. Зеро, азиз ва қадрили бўлган оиланинг гуллаб-яшнаши, истиқбол сари дадил одимлаши, юрт тараққиётига муносиб улуш қўшиши ҳар биримизга чексиз гурур бағишлайди.

Васила КАРИМОВА, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор.

Байрам шукуҳи

Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида Истиқлолнинг 19 йиллик байрамига бағишланган турли тадбирлар ўтказилапти.

Ю. Ражабий номидаги вилоят мушиқали драма театрида уюштирилган "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" маънавий-маърифий тадбирида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, институтларнинг талаба ва ўқитувчи-профессорлари, маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республика Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, миллий университет олимлари тадбир иштирокчиларига Муштақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижроси, юртимиздаги тинчлик, осойишталик боис амалга оширилаётган улкан яратувчилик ишлари борасида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда санъат усталарининг катта концерт дастури намойиш қилинди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек халқ санъатининг илдизлари жуда қадимий. Уни чуқур ўрганиш учун махсус терминологик луғатга эҳтиёж туғилиши табиий.

Тадқиқот самараси

Хивадаги "Ичан қалъа" музей қўриқхонаси илмий ходими Одилбек Иброҳимов бу бордада изланишлар олиб бориб, "Амалий санъат атамалари" луғатини яратди. Луғатда халқ амалий санъатининг ноқошлик, мискарлик, кулоллик, каштадўзлик, зардўзлик, ганҷқорлик, сангтарошлик, ёғоч ўймақорлиги каби касб-корларга оид атамалар изохлари киска ва аниқ баён этилган. Ушбу луғат халқ амалий санъатини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиши билан аҳамиятлидир.

А. САФОВ.



Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мушиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини муштақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қароридан сўнг бу бордадаги ишлар янада жадаллашди.

— Айни пайтда вилоятимизда 18 та болалар мушиқа ва санъат мактаблари фаолият юритаётган бўлса, уларда икки минг нафардан зиёд ўқувчи тўқзи йўналиш бўйича таълим олмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари ва касб-хунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, фестиваллар истеъдодларни кашф этиш, уларнинг иқтидорларини юзга чиқаришда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

халқ таълими бошқармаси болалар мушиқа ва санъат мактабларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Анвар Ҳазраткулов. — Қачонки, истеъдод ҳар томонлама кўллаб-қувватланса, у бир кун келиб, албатта, ўз самарасини кўрсатиши аниқ. Кувонарлиси, Юртбошимизнинг маъ

таб ўқитувчиси Очил Чоршанбиев биринчи, Шаҳрисабз туманидаги 94-мактаб ўқувчиси Азизбек Мирзаев учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, В. Сердюк, Т. Самадов, Д. Тиллаева, М. Тошпўлатова, С. Жўраев, Б. Сафаралиев ҳамда З. Тураева сингари бугун нафақат вилоятда, балки республикада танилиб бормоқда.

Вилоятда 9 та мактаб қуриш ва яна шунчасини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ушбу йўналишда талайгина ишлар бажарилди. Масалан, ўтган йили Китоб туманидаги 10-болалар мушиқа ва санъат мактабиди 408 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бу ерга 442 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда мушиқа асбобла-

Қарор ва ижро

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Самарқандда спортнинг бошқа турлари қатори кўп тўпига бўлган қизиқиш йил сайин ортиб борапти. Буни биргина "СамДАҚИ" номи билан майдонга тушаётган вилоят тарма жамоасининг кейинги йиллардаги муваффақиятларидан ҳам англаш мумкин. Асосини Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти спортчилари ташкил этаётган жамоа республика миқёсидаги барча мусобақаларда беш оғир даявогарлик қилиб келаяпти. Унинг уч қарра мамлакат чемпиони экани, уч марта "Муштақиллик кубоғи"га сазовор бўлгани ҳам ана шу фикрларнинг тасдиғидир.



ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Юртимизда болажонларнинг ёзги таътил мавсумини мароқли ташкил этиш мақсадиди бири-бириндан қизиқариб ва мазмулли тадбирлар ўтказиш аънанга айланган. Уларнинг орасида маҳаллалараро ўтказиладиган "Футболимиз келажаги" мусобақаси алоҳида ажрлиб туради.

ИНТИЛУВЧАНЛИК ВА МАҲОРАТ МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Бундан ташқари, жамоа аъзолари мамлакат кубоғи баҳсларида ҳам доимо юқори савияда иштирок этишмоқда. Ҳозирга қадар ушбу мусобақада улар икки бор голиб бўлишган эди. Яқинда вилоят Олимпия захиралари тайёрлаш марказида ўтказилган навбатдаги беллашувда яна самарқандликларнинг кўли баланд келди ва улар Ўзбекистон кубоғининг уч қарра соҳиби деган номга сазовор бўлишди. Кубок ўйналганда мамлакатимиз олий лигасида қатнашаётган олти жамоа қураш олиб борди. Финалда майдон эгалари — "СамДАҚИ" жамоасини Олмаликнинг "ОТМК" жамоасини 5:1:41 ҳисобиди мағлуб этди.

Бугунги кунда жамоа вакиллари мамлакат тарма жамоасининг асосини ташкил этади. Самарқандлик кўп тўпи усталари ўтган йили Москвада бўлиб ўтган халқаро турнирда тарма жамоа муваффақиятига муносиб ҳисса қўшдилар. Шунингдек, яқинда Алматы шаҳрида Марказий Осиё давлатлари жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган шундай турнирда ҳам улар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Эътиборли жиҳати, мазкур турнир натижасига кўра, Ўзбекистон тарма жамоаси жорий йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатиға ўйлангани кўлга киритди.

— Етти йилдан буён мамлакат олий лигаси жамоалари сафидамиз, — дейди вилоят тарма жамоаси бош мураббийи Файзулло Икромов. — Айниқса, кейинги уч йилдаги муваффақиятлар қувончли бўлди. Ийгиликларимизнинг маҳорати ўйиндан ўйинга ошиб борапти. Бугун 15 нафар спортчимизнинг 7 таси — Улукбек Икромов, Олимжон Егемсафоров, Анвар Латипов, Хуришд Аҳоров, Файрат Уроқов, Азиз Болтаев, Ақром Отажонов мамлакат тарма жамоаси аъзолари.

Эришилаётган натижалар, аввало, мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор туғайлидир. Ана шу гамхўрлик натижасида ҳар бир шаҳар ва туманда замонавий таълим муассасалари, спорт мажмуалари, стадионлар барпо этилмоқда. Масалан, вилоятимиздаги Олимпия захиралари тайёрлаш маркази ва Самарқанд давлат университетининг 2-академик лицейи спорт базасида машғулотлар ўтказиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бу ерда йигитларимиз сузиш ҳавзаси, тренажёрлар, стадион ва спорт залларида фойдаланишади. Мусобақалар ҳам шу ерда ўтказилади.

Санджон МАХСУМОВ.

Боксчиларимиз ғалабаси

Украинанинг Мариуполь шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм кўлоқ усталари муваффақиятли иштирок этдилар.

Мазкур нуфузли чемпионатда андижонлик Жасур Латипов (51кг.), Санжар Раҳмонов (64кг.) ҳамда Мирзохид Абдуллаевга (91кг.) тенг келадигани топилмади. Улар Озарбойжон, Россия, Молдова, Беларус, Грузиянинг энг кучли бокс-

чиларини доғда қолдириб, олтин медаль билан тақдирландилар. Шу тарабда спортчиларимиз ўзбек бокс мактаби дунё бўйича етакчилар қаторида турлини яна бир бор исботлашди.


Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мурасасиз беллашув

Наманган вилоятида шахмат бўйича республика очик биринчилиги ўтказилди. Унда 86 нафар шахмат устаси голиблик учун кураш олиб борди.

"Баркамол авлод йили"га бағишлаб ташкил этилган мусобақада иштирокчилар бири-бирдан ажойиб ўйинлар намойиш этидилар. Яқинда иқтидор эгалари орасида андижонлик Иброҳим Каримов голиб бўлди. Наманганлик Баҳодир Холмирзаев, Фарғона вилоятдан Алишер Рустамов кучли ўқувчи яқунлаб берди. Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Микромолиялаштириш ташкилотлари ва Кредит уюшмалари миллий ассоциацияси жамоаси кенгаш раиси Хатича Жафарова онаси **ФОТИМА АЯ МАМАТҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Сибей менеджмент ва халқаро журналистика кафедраси доценти Даврон Муитовга падари бузруквори **СОБИР отанин** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Омонатдаги маблағингиз ўн қарра ортинини хоҳлайсизми?
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
«Жамғарма» ютуқли, жамғарилувчи омонатини таклиф этади.

Маблағлар 7 ой муддатга йиллик 10% миқдориди даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоииз даромадлари тўланиши билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, 110 та пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар омонат қолдирингиз 10%, 20%, 30%, 50%, 100%, 200%, 500% ҳамда 1000% миқдориди белгиланади.

Ютуқлар тиражи жорий йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлиғиди ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Кўшимча маълумотларни (8-371) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копияция 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Ҳазмат таҳририят компьютер марказиди терриал ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан сақлланади.

Т-Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Набатчи муҳаррир — А. Болнев.
Набатчи — Ф. Абиллов.
Мусоҳаҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.30 12 15